

## **ЎЗБЕК ВА ҚИРГИЗ ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИДА ОБРАЗЛАР ФУНКЦИЯСИ**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10213151>

**Темирова Маҳбубаҳон Алибековна**

*Андижон давлат педагогика институти*

*Рус-қирғиз тили ва адабиёти кафедраси доценти.*

*temirova\_65@mail.ru*

### **Аннотация**

Мақоллар поэтикаси масаласи мұхым өзбек ва қирғиз халқларидаги мақоллар поэтик хүсусиятлари жиҳатидан ҳам муштараклиги очиб күрсатылған. Мақолларда құлланылған образлар олами ранг-баранглиги, асрлар давомида сайқалланиб, мазмунан өзбек ва қирғиз тили өзара салынады. Борлық мақолларда образ яратыши үзиге хос тарзда намоён бўлиши, уларда образларнинг умумлашма тарзда бўлиши мисоллар билан таҳлилга тортилади.

### **Калит сўзлар**

мақол, поэтика, образ, образлилик, насторий, назмий шеърий ўлчов, ҳижо, қофия, ассонанс, эллипсис, ритмик-синтактик параллелизмлар, аллитерация, анафора, сажъ, гипербола, антитеза, метафора, метонимия, синекдоха, терма.

### **Аннотация**

Показано, что вопрос поэтики пословиц важен и сложен, а пословицы узбекского и кыргызского народов имеют общие поэтические черты. Разнообразие мира образов, используемых в пословицах, наличие в народных пословицах различных систем образов, уточнявшихся и обогащавшихся по содержанию и искусству на протяжении веков, образообразование в двух народных пословицах проявляется своеобразно. и на примерах анализируется обобщение образов в них.

### **Ключевые слова**

пословица, поэтика, образ, образность, проза, поэтический размер, рифма, ассонанс, эллипсис, ритмико-синтаксический параллелизм, аллитерация, анафора, гипербола, антитеза, метафора, метонимия, синекдоха, термин.

### **Annotation**

It is shown that the issue of the poetics of proverbs is important and complex, and the proverbs of the Uzbek and Kyrgyz peoples have common poetic features.

The diversity of the world of images used in proverbs, the presence in folk proverbs of various systems of images, refined and enriched in content and art over the centuries, image formation in two folk proverbs is manifested in a unique way and the generalization of images in them is analyzed using examples.

**Key words:** proverb, poetics, image, imagery, prose, poetic meter, rhyme, assonance, ellipsis, rhythmic-syntactic parallelism, alliteration, anaphora, metaphor, hyperbole, antithesis, metaphor, metonymy, synecdoche, term.

Ўзбек ва қирғиз халқлари фольклорининг жанрларида поэтик хусусиятлари жиҳатидан ҳам муштараклик кузатилади. Бу халқларнинг мақоллари аждодларимизнинг бадиий тафаккури самараси бўлиб, муайян воқеликдан чиқарган хукм хulosаларини ифода этишда турли бадиий образлардан, усул ва воситалардан фойдаланганлар. Мақоллар поэтикаси масаласи муҳим ва мураккаб бўлиб, бу жанрнинг ихчам шаклга эга бўлиши, бироқ ижтимоий-фалсафий мазмунни чуқур экани билан белгиланади. Бу мураккаблик ихчам шаклда чуқур мазмунни ифодалаш билан боғлиқдир. Шу боис мақоллар поэтикасига тўхталиш лозим бўлади. Мақоллар бадииятига оид айрим тадқиқотлар фольклоршуносликда бўлса-да, [1.336-350; 43-51] ўзбек ва қирғиз халқ мақолларини қиёслаш асносида бадиият масаласига алоҳида тўхталган тадқиқотлар яратилган эмас.

Мақоллар поэтикаси ҳақида сўз борганда, даставвал, унинг шакл тузилиши хусусида тўхталиш лозим. Чунончи, ибратли хукм, хulosани бадиий воситалар орқали ифодалаш поэтиканинг бош масалаларидан бири ҳисобланади.

Мақолларнинг поэтик формаси шеърий ўлчов, хижо, қофия, ассонанс, элипсис каби бадиий воситаларнинг қўлланишини текширишни талаб қилади. Ўзбек халқ мақоллари, шунингдек, қирғиз халқ мақоллари ҳам структурал жиҳатдан икки хил шаклга эга: насрӣ ва назмӣ.

Наср шаклидаги мақоллар оддий сўзлашув услубидан фарқланади. Бундай мақолларда образлилик ва шаклда ихчамлик бўлади. Ўгит бериш функциясига асосланган мақоллар осон ёдда қолиши учун ритмик жиҳатдан шаклланган бўлади.[2. 86.]

Икки халқ мақолларида образ яратиш ўзига хос тарзда намоён бўлади. Асрлар давомида сайқалланиб, мазмунан ва бадиий жиҳатдан бойиб борган мақолларда турлича образлар тизими мавжуд.

Мақолларда муайян воқеликнинг ўзи эмас, балки шу воқеликдан келиб чиқадиган хукм-хулосалар қисқа шаклда, умумлаштириб ифода этилади. “Шунинг учун ҳам уларда конкрет индивидуал образ, унинг кечинмалари эмас, балки бир-бирига ўхшаш кўпгина воқеа-ҳодисалар ҳақидаги омманинг лўнда хулосалари ифодаланади. Демак, мақол жанри учун образни индивидуаллаштириш эмас, аксинча, умумлаштириш хос”.[3.96-97.]

Мақолларда қўлланилган образлар олами ранг-баранг. Улардан бири реал ҳаётий образлардир. Масалан, эр, хотин, чол, кампир, бола, қиз, йигит, бой, камбағал, чўпон, чорвадор, подшо, қайнона, қайнота, келин, куёв, акаука, опа-сингил кабилар. Мақолларнинг аксарияти даврий чегараланиш хусусиятига эга эмас, уларда образларнинг умумлашма тарзда бўлиши боис ҳам бундай мақоллар ҳар қайси жамият, давр, мафкура шароитида ҳам сақланиб келади. Мақолларда жамиятнинг турли табака, соҳа кишиларининг образлари ҳам учрайди. Масалан, “Камбағални от устида ит қопар”, “Аёлнинг хусни пардозда эмас, ақлида” ёки “Пазанданинг гўжасидан ош чиқар, Ношуднинг паловидан тош чиқар”.

Мақолларда тарихий ёки афсонавий шахслар номлари ҳам учрайди. Масалан, Ҳизр, Сулаймон, Аёз, Аёз момолар шулар жумласидан. Бундан ташқари, шахс, киши номлари умумлашма маънода келадиган турлари ҳам мавжуд: “Абдулҳаким овга чиқди, Орқасидан ғавғо чиқди”. Қирғиз халқ мақоли: “Асанкайғы өз ўйундө жек көрүндү болот” (Таржимаси: Ҳасанкайғу (Ҳар бир нарсага қайғураверган инсонга нисбатан ишлатилган сўз) ўз уйида ёмон кўринади) ёки “А болду, бу болду, Алжыбайды там басты”. (Таржимаси: У бўлди, бу бўлди, Олжибойни том босди). Бу турдаги мақолларда келтирилган исмлар халқда кўп учрайди.

Мақолларда ифодаланган инсон образи муайян шахс бўлмай, қайсиadir тоифага мансуб инсонни англатади. Масалан, “Бахилнинг боғи кўкармас”сингари ўзбек халқ мақолида ёки “Бакылдын багы көгөрбөйт, көгөрсө да көбөйбөйт” қирғиз мақолида “бахил” номи остида хасис, нокас кимсаларнинг умумлашма образи намоён бўлади.

“Бой бойга боқар, Сув сойга оқар” ўзбек мақоли ёки қирғиз фольклоридаги “Бай байга куят, суу сайга куят” мақолида юқори табакага мансуб ҳисобланган бойларнинг ўз тоифаси билангина муносабатда бўлиши таъкидланган. Бундай мақоллар даврий чегараланишга мансуб эмас.

Айрим мақолларда учрайдиган киши номлари эса машҳур тарихий ёки афсонавий шахслар ёхуд халқ ўртасида катта шухрат қозонган киши номларидир. Масалан, қирғиз халқ мақолларидан: “Токтогулдай ырчы бол,

Толубайдай сынчы бол". Қирғиз халқида машхур Тұқтогул оқинни ёки Тұлибой синчини билмаган киши йұқ. Ушбу оқин ва синчининг хунарига барча бирдек тан беради, оқин бұлса, Тұқтогулдек, синчи бұлса, Тұлибайдай бұлсин-да, дейилади.

Ұзбек халқ мақолларидан: "Аёз, күрган кунинг унутма, Күн чориғинг құритма". Мазкур халқ мақолининг келиб чиқиши оддий чұпондан халқ етакчиси даражасига күтариған ҳалол, доно Аёз ҳақидаги эртак сюжети билан боғлиқ. Аёз исмли чұпон ақлу фаросатининг юкори даражадалиги сабабли вазир этиб тайинланади. У үтган оғир кунларини унұтmasлик учун чориғини ұз хонаси әшигининг тепасига осиб құяди ва ҳар сафар унга құзи тушганида шу сұзларни айтган. "Күн чориғини құритма" бирикмасининг мазмұни шундан иборатки, қадимда хом теридан тикилған чориқ ёрилиб кетмаслиги учун ёғлаб турилған.[4. 13.]

Демак, мақол мазмұнидан құринадики, мазкур жұмлалар юкори мартабага эришгач, ҳаволаниб кеттеган одамларға нисбатан құлланади. "Биров" сұзи остида киши, шахсларнинг айрим сифатларыға ишора қилинади: "Биров ұламан деса, биров куламан дейди". Ушбу мақол қирғиз халқида бошқачароқ тарзда учрайди: "Бирөө өлүп жатса, бирөө құлүп жатат". Ушбу ұзбек ва қирғиз халқ мақолларыда ҳар кимнинг үзиге хос кайфияти борлиги ва бир вақтда икки хил экани, дарду ташвиши ҳам бошқа-бошқа экани англашилади.

Киши исмларининг сифатлаш үрнида келтирилиши ҳам кузатилади: "Ақл Ҳасан, одоб Ҳусан". Мақолда ақл ва одоб әгиз түшунчалар эканлиги шахс номлари орқали образли ифодаланмоқда.

Нодон ва доно, ақлли ва ахмок, тұғри ва әгри, мард ва номард, яхши ва ёмон, баҳил ва сахиі, дұст ва душман кабилар бир вақтнинг үзіда ҳам кишилар сифатини, ҳам уларнинг хулқ-атворини билдиради: "Номардга иши тушмаган, Марднинг қадрини билмас", "Ахмок үзини мақтар, Тентак қизини", "Ақллига ҳурмат, ақлсизга калтак".

Мақолларда образ яратиш тамойиллари жанрнинг специфик хусусиятлари билан боғлиқ. Мақоллар битта гап шаклида бұлғанда ҳам умумиіт хукм-хulosани акс эттиради. Айрим мақолларнинг тузилиши икки компонентли бұлғанда, биринчи компонент үз маъносида келса, иккінчи компонент күчма маънода құлланади. Образ яратилиши эса маълумки, күчма маъно акс эттириш билан боғлиқ. Масалан, "Қамиш сувдан түймас, Ёмон хотин - түйдан" мақолида асосий мазмун иккінчи компонентда ифодаланмоқда. Бу ерда таъмагир, үз нафси күйида юрувчи, қаерда ошу нон

бўлса, ўша ердан қолмайдиган, андишасиз аёл хатти-ҳаракати доимо сувда ўсиш хусусиятига эга бўлган қамиш образига таққосланмоқда. Қирғиз халқидаги “Жаман катын мактанат, жарга тартып аттанат” мақолининг иккинчи компонентида ҳам асосий мазмун ифодаланмоқда, яъни ёмон хотин ҳамиша ишни орқага тортади, ёмон хотин билан яшаш жараёнида ҳеч қачон ҳаёт олдига силжимаслиги, жарга (пастликка) тортиб туриши айтилмоқда. Мақолнинг биринчи компонентида таққослаш йўқ, лекин ўз маъносида, ёмон хотин иши яхши бўлмаса-да, мақтанишни кандо қилмаслиги хусусида бормоқда.

Баъзан мазмун жиҳатдан бир-бирини инкор қилувчи мақоллар ҳам учрайди. Масалан: “Ҳар нарса ўз ерида қадрли” ҳамда “Ҳар нарса ўз ерида қадрсиз”. Бундай мақоллар вазиятга нисбатан қўлланади.

Мақоллар таркибида туркман образи қўлланган тури ҳам бор: “Туркман тўрини бермас”. Бунда туркманларнинг обрўталаб, иззатталаб феъл-автори ёки уйнинг тўрида ўтиришга одатланганлигига ишора қилинмоқда.

Мақоллар бир қанча фольклор жанрлари таркибида ҳам келади. Масалан, кичик шеърий шакл – термаларда ҳам мақоллар қўлланиши кузатилади.

И.Турсуновнинг термалар тадқиқига бағишлиланган тадқиқотида “оғзаки ва ёзма адабиёт намуналарида бўлгани каби, термаларда ҳам мақоллар” қўлланиши ва мумтоз адабиётда ирсоли масал санъати дейилиши таъкидланади. Маълум бўлишибча, мақоллар достончилар репертуарида достонларнинг насрин қисмида ўзгартирмай, назм қисмлари ва термаларда айнан, ёки қофия ҳамда вазн талабига кўра ўзгартириб қўлланади.[5. 13.] Тадқиқотчи Эргаш Жуманбулбул ўғли сўз қадри ва достончилик маҳорати ҳақидаги термасида “Яхшидан от, ёмондан дод”, “Вақтинг –бахтинг” каби ҳалқ мақолларини айнан қўллаши ёки Фозил шоир репертуаридаги “Бўлмаса” радифли термасидан ўрин олган

Оting ёмон бўлса, армонинг кетар,

Ўғлинг ёмон бўлса, дармонинг кетар,

Хотининг ёмон бўлса, меҳмонинг кетар,

Бу учов дуч келмас, шўринг бўлмаса бандидаги тўртинчи мисра олиб ташланса, у ҳалқ мақолларидан иборат бўлиб қолишини тўғри белгилайди. Бу парчада йигит кишининг оти, ўғли, хотини ҳаётида муҳим ўринга эга эканлиги, учаласи унинг обрўси, орияти ва ғурури экани мақол шаклида ифодаланган. Ўзбек ҳалқ достонлари таркибида қўлланган мақол-термалар достоннинг умумий мазмун-мундарижаси билан алоқадор бўлмаса-да, асарда

маълум бир бадиий юк ташийди. Тадқиқотда 118 мисрали халқ термаларининг бирида 50 дан ортиқ халқ мақолларининг қўлланишини кузатиш мумкинлиги айтиб ўтилади.[5.13]

Қирғиз халқ оғзаки ижодида эса шу каби санат-насиҳат ва терма қўшиқлари мавжуд:

Жакшы қызга жаман кыз,

Багы менен тенелет.

Жакшы эрге жаман эр,

Малы менен тенелет,

Жакшы атка жаман ат,

Жалы менен тенелет. (Маъноси: Яхши қызга ёмон қиз баҳти билан тенглашар, яхши эрга ёмон эр моли билан тенглашар, яхши отга ёмон от ёли билан тенглашар).

Демак, ҳар икки халқда ҳам мақоллар асосида терма ижод қилиш қадимдан анъана бўлган, деган хulosага келиш мумкин.

Ўзбек ва қирғиз мақолларида бадиий усулларнинг қўлланишида ҳам ўзига хос муштараклик мавжуд. Мазкур мақоллар тузилишига кўра шеърий ва насрий шаклларда бўлади. Шеърий мақолларда вазн, туроқ, қофия, оҳанг каби шеър унсурлари қатнашади. Насрий шаклдаги мақолларда ҳам поэтик унсур ва поэтик ифода зухур этаверади.

Мақолларда тасвирий ифода воситаларидан фойдаланилганда матннинг бадиий-эстетик таъсирчанлик функцияси ортади. Ўзбек, шунингдек, қирғиз мақоллари нутқда фаоллашганда нутқ жараёнини гўзаллаштиради, образли ифода тингловчида ўзига хос бадиий завқ пайдо қиласди. Бадиий-эстетик таъсирчанликни юзага чиқаришда ўхшатиш, сифатлаш, ритмик-синтактик параллелизмлар, аллитерация, анафора, сажъ, гипербола, антитета, метафора, метонимия, синекдоха каби кўплаб воситаларнинг ўрни катта.

Ўзбек ва қирғиз халқ мақолларининг муштараклиги нафақат тузилишида ёки образлар оламида, балки композициясида, поэтик ва семантик хусусиятларида, ғоявий мундарижасида яққол кўзга ташланади.

Халқ мақоллари ўзига хос бадиий-фалсафий жанр бўлиб, сиқиқ шаклда чуқур, кенг қўламли мазмунни ўзида акс эттиради. Шу сабабдан ўзбек ва қирғиз халқ мақолларининг барча хусусиятларини, поэтик жиҳатларини тўлиқ ўрганишни бир тадқиқот доирасида бажариш мушкул. Шунинг учун келгусида ўзбек ва қирғиз халқ мақолларининг структур-семантик табиати кенг миқёсда тадқиқ этилиши лозим.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Саримсоқов Б. Халқ тафаккурининг олмос қатралари. Ўзбек халқ мақоллари. – Тошкент, 1984. – Б.336.-350; Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. – Тошкент, 1978. – Б. 43-51; Шарафиддинов Х. Рифма и её функционально-стилистические особенности в структуре узбекских народных пословиц. Авт. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1986.
2. Соатов Б. Взаимосвязь паремиологических жанров и поэтические особенности узбекских народных пословиц. – Ташкент: Фан, 1994. – С. 86.
3. Имомов К., Мирзаев Т. ва бошқалар. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – Б. 96-97.
4. Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. – Тошкент: Мехнат, 1990, – Б.13.
5. Турсунов И.Н. Халқ термаларининг тарихий асослари ва бадиияти. Филол. фан. номз. ... диссер. автореф. – Тошкент, 2009.- Б. 13.